

Абдуллаев З.А.,
ТДИУ, «Молия ва бухгалтерия ҳисоби»
кафедраси доц.в.б., PhD
e-mail:zafarjon1808@mail.ru.

БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР: МОЛИЯВИЙ ТРАНЗАКЦИЯЛАРГА СОЛИҚ

ПОДХОДЫ К НАЛОГООБЛОЖЕНИЮ БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ:
НАЛОГ НА ФИНАНСОВЫЕ ТРАНЗАКЦИИ

BANKING TAX APPROACHES: FINANCIAL TRANSACTION TAX

Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банклари фаолиятини солиққа тортишдаги молиявий солиқлардан ҳисобланган молиявий транзакцияларга солиқ кўриб чиқилган. Тижорат банклари фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солишида молиявий транзакцияларга солиқнинг (МТС) муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада молиявий транзакцияларга солиқ қўлланиши бўйича олиб борилган назарий ва эмпирик тадқиқотлар натижалари баҳоланган. Мазкур солиқ қўлланишида юзага келадиган оқибатлар бўйича тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: банклар, тартибга солиши, солиққа тортиши, молиявий солиқлар, молиявий транзакцияларга солиқ.

Аннотация. В данной статье рассматривается налог на финансовые операции, который является одним из финансовых налогов при налогообложении деятельности коммерческих банков. Анализируются важные аспекты налога на финансовые операции в регулировании деятельности коммерческих банков посредством налогов. В статье оцениваются результаты теоретических и эмпирических исследований по применению налога к финансовым операциям. Сделаны соответствующие выводы о последствиях применения этого налога.

Ключевые слова: банки, регулирование, налогообложение, финансовые налоги, налог на финансовые транзакции.

Abstract. This article discusses the tax on financial transactions, which is one of the financial taxes in the taxation of commercial banks. The article analyzes the important aspects of the tax on financial transactions in the regulation of the activities of commercial banks through taxes. The article evaluates the results of theoretical and empirical studies on the application of tax to financial transactions. Appropriate conclusions have been drawn about the consequences of the application of this tax.

Key words: banks, regulation, taxation, financial taxes, tax on financial transactions.

КИРИШ

Молиявий инқироз даврида йирик банклар активларини йўқотишлари ва муваффақиятсизликка учраши молиявий секторга зарба бўлди ва бу ўз навбатида реал иқтисодиётга зарар етказди. Натижада, тизимли муҳим молия институтларини молиявий барқарорлигини тиклаш учун давлат секторининг аралашуви катта ҳажмда амалга оширилган. Ушбу тадбирларнинг иқтисодий, молиявий харажатларини ва бу билан боғлиқ бўлган маънавий рискни ортиши, йирик молиявий институтларни муваффақиятсизлигидан юзага келиши кутилаётган муаммоларни камайтириш ва баратараф этиш бўйича кўшимча чоралар кўриш зарурлигини билдиради.

Шунга қарамасдан, йирик банклар билвосита солиқ тўловчилар суғурталаниши (давлат томонидан қўллаб-қувватланиши), ўз навбатида стратегик жиҳатдан аҳамиятли бўлмаган банкларга нисбатан арзон маблағлар жалб қилиниши, жуда катта ва мураккаб бўлмаган инқирозли ҳолатлар бўлиши мумкин. Бироқ, бу уларга рақобатдаги устунликни беради ва уларнинг ҳукмдорлигини янада кучайтиради [1].

Инқирозга жавобан банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан банклар ва банк тизими барқарорлигини оширишга қаратилган ислоҳатлар амалга оширилди. Бунда тизим учун муҳим бўлган банклар учун (G-SIBs) алоҳида капитал талаблари ўрнатилди. Тавсия қилинган кўшимча капитал миқдорини сақлаб туриши [2] ва ҳозирда асосий эътибор банклар ва банк тизимининг умумий йўқотишни ютиш қобилияти (GLAC) га қаратилган [3].

Аксарият иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, бугунги кунда банклар молиявий барқарорлигини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларда белгиланган структуравий ва норматив чоралар (фискал) солиқ солиш билан тўлдирилиши, шунингдек, тартибга солиш ва солиққа тортиш ўртасидаги мутаносиблигини таъминлашга йўналтирилиши лозим. Банк секторини солиққа тортишдаги асосий шаклдаги молиявий солиқлардан бири молиявий транзакцияларга солиқ (МТС) ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Амалга ошириладиган молиявий операциялар туридан келиб чиқиб, турли хилдаги солиқни ажратиш кўрсатиш мумкин: қимматли қоғозлар билан операцияларга солиқ; хорижий валюталар билан операцияларга солиқ (Тобин солиғи); банк операцияларига солиқ; давлат божлари; капиталга солиқ (капитал ўсишидан олинadиган солиқ, яъни қарз ҳажми ёки акция ва облигациялар чиқариш) [4]. Keynes томонидан илгари сурилган молиявий транзакцияларни солиққа тортиш билан боғлиқ фикрлари бўйича молиявий инқироздан кейин мунозаралар янада кучайиб кетди. Унинг таъкидлашича, ликвид молиявий бозорларни ривожланиши тадбиркорларга капиталини кўпайтириш ва рискларни диверсификациялаш имкониятини беради [5]. Бу эса жамиятни йирик масштабдаги инвестицион лойиҳалар бўйича мажбуриятларни ўзига олиш қобилиятини оширишга ёрдам беради. Бироқ, бунда асосий эътибор фундаментал эмас, қисқа муддатли лойиҳаларни жалб этишга қаратилади. Ўз навбатида, қисқа муддатли капиталдан фойда келажакда нархлар нисбатини ўсишига боғлиқ бўлади, яъни спекуляцияларга. Солиқни жорий этиш тарафдорларини фикрига кўра, солиқ юқори потенциал тушумга эга деб ҳисоблайди. Иқтисодий нуқтаи назардан, молиявий активлар билан операциялар харажатларини ошиши, қайсики молиявий бозорларни ўзгарувчанлиги ва пуфакчаларга таъсирчанлигини оширадиган спекулятив ва техник савдолар ҳажмини қисқартиради. Бу ҳолатларга

алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир, чунки булар молиявий секторни беқарорлаштиради ва молиявий инқирозларни сабабларидан бири бўлиши мумкин. Stiglitzнинг фикрига кўра, солиқ ахборот мавжуд бўлмаган савдо (noise trading) улушини қисқартириб, солиқ бозорни ахборот самарадорлигини ошириши лозим [6]. Davila томонидан мувозанатдаги молиявий транзакцияларга оптимал солиқ солиш учун (яъни фаравонликни максималлаштирувчи) рақобатли молиявий бозорлар модели тавсия этилган. У оптимал солиқ ставкасини ижобий деб ҳисоблайди, чунки асосий бўлмаган савдони қисқариши асосий савдо ҳажмининг пасайишидан кўриладиган йўқотишлардан юқори фойда келтиради [7]. Meyer, Wagener ва Weinhardtларнинг таъкидлашича 0,2 фоизли ставкада солиқни қўлланиши, савдо ҳажмини 20 фоизга қисқартириши мумкин [8]. Шунингдек, Colliard ва Hoffmannлар томонидан солиқ ахборотлар самарадорлигини пасайтиришига олиб келишини аниқлашган [9].

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

МТСнинг ижобий ва салбий жиҳатлари боғлиқ асосий аргументлар ва мазкур солиқни жорий этишдаги муҳим жиҳатларининг назарий ҳамда амалий масалалари кўриб чиқилган. Тадқиқотда қиёсий таҳлил, монографик кузатувлар ва усулларидан фойдаланилган, мазкур солиқнинг молиявий операцияларга таъсири бўйича олиб борилган назарий ва эмпирик таҳлиллар натижаси баҳоланган, банклар фаолиятини тартибга солишда қўлланиладиган солиқ механизмларининг таҳлили амалга оширилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Кўриниб турибдики, мазкур солиқнинг қўлланишидан кўзланган мақсадга, яъни турли хил спекулятив операциялар ҳажмини қисқаришига ва даромадлар тушумини кўпайишига олиб келиши мумкин. Евро Комиссия томонидан потенциал даромад даражаси учун муҳокама қилинган иккита турли сценарийда солиқ базасини аниқлаш бўйича вариантлар фарқланади. Биринчи вариантда, биржадаги акциялар, облигация ва деривативлар билан операцияларни ҳамда биржадан ташқари инструментлар савдосини солиққа тортиш (солиқ базаси акциялар ва облигациялар учун келишувлар қиймати, деривативлар учун шартномани шартли (ёки базавий) қиймати) назарда тутилган. Молиявий операцияларга солиқлардан маънавий рискни коррективроқ қилувчи инструмент сифатида қўлланиши мумкин ва бу эса молиявий бозорларнинг барқарорлиги ва потенциал самарадорлигини оширади. МТС барча молиявий операцияларга нисбатан, шу жумладан, бозорда амалга ошириладиган валюта, акциялар, облигация, деривативлар ва бошқа молиявий инструментлар билан амалга ошириладиган молиявий операцияларга қўлланиши мумкин [140].

Шу сабабдан, мазкур солиқ нисбатан паст ставкаларда ундирилиб, базавий активлар ва уларнинг ҳосилавий инструментларни савдоси билан боғлиқ ҳар бир операцияларга қўлланилади.

Масалан, Францияда ва Италияда турли қимматли қоғозлар операцияларидан солиқ ундирилса, Венгрияда эса мазкур солиқ базасига банк трансфертлари ва пул маблағлари билан операциялар киритилган (1-жадвал).

Европа Комиссияси томонидан қўйидаги учта мақсадни кўзлаган ҳолда ЕИ учун МТС тавсия этилган. Биринчидан, молиявий транзакцияларга солиққа тортишдаги кўплаб ички ёндашувдан келиб чиқиши мумкин бўлган, ягона бозорни парчаланишини олдини олиш ва рақобатни бузилишидан сақлаш, иккинчидан, молиявий секторни давлат молиясига



адолатли ва муҳим бўлган хиссасини қўшиши, ниҳоят, молиявий бозорлар самарадорлиги ёки реал иқтисодиётга хисса қўшмайдиган молиявий операцияларга тўсқинлик қилиниши ва шу тариқа, келгусида юз берадиган молиявий инқирозларни баргараф этишга йўналтирилган тартибга солиш чора-тадбирларини тўлдирилади [11].

1 - ж а д в а л

ЕИнинг айрим мамлакатлардаги МТСни қўлланиши тўғрисидаги маълумот¹

Франция август 2012	Солиқ базаси ва ставкаси: бозор капиталлашуви 1 млрд. евродан юқори резидент компанияларнинг акциялар савдосига – 0,3% ставкада; кредит дефолт своп (CDS) ва электрон савдо операцияларига (High-frequency Trading) – 0,01 % ставкада.
	Солиқ чегирмалари: молиявий ва пруденциал бошқариш мақсадлари учун амалга ошириладиган қимматли қоғозлар операциялари.
Италия январ 2013	Солиқ базаси ва ставкаси: акциялар – 0,1% ставкада; биржадан ташқари акциялар савдосига – 0,2 % ставкада; деривативлар ва электрон савдо операциялари – 0,02% ставкада.
	Солиқ чегирмалари: бозорни шакллантириш ва ликвидликни таъминлаш мақсадларидаги қимматли қоғозлар операциялари.
Венгрия январ 2013	Солиқ базаси ва ставкаси: банк трансфертлари, тўловлар – 0,3% ставкада; тўғридан-тўғри қарзлар, депозитлар, ҳисоб-рақамдан пул ечиб олиш – 0,6% ставкада.
	Солиқ чегирмалари: бир банк ичидаги пул ўтказмалари, бир компанияга тегишли ҳисоб-варақларида пул маблағларини тўпланиши, бир шахсга тегишли бўлган жорий ва инвестицион ҳисоб варақлари ўртасидаги операциялар.

Бироқ, Антюшинанинг фикрига кўра, МТС битимлар қийматини ошишига ва инқирозни юзага келишини баратараф этувчи чора ҳисобланмаслигини, чунки молиявий инқирозни келиб чиқишига асосан тузилмавий кредит маҳсулотларини, биринчи навбатда, ипотека кредитлари асосидаги қарз мажбуриятлари таъминланган облигацияларни (Collateralised Debt Obligation, CDO) кенг тарқалиши, шунингдек, кредит дефолт своп (Credit Default Swap, CDS) бозорини қулаши сабаб бўлиб, бироқ бундай транзакциялар глобал молиявий инқирозни келтириб чиқариш сабабларига кирмайди [12]. Бундан ташқари, ЕИ давлатлари ўртасида мазкур солиқни жорий қилиниши бўйича асосий қўллаб-қувватловчи Германия ва Франция давлати ҳукуматлари бўлиб, Буюк британия ва Швеция давлатлари қарши фикрларини билдиришган. Буюк британия ХВФ томонидан тавсия этилган молиявий институтлар фойдаси ва иш ҳақини умумий суммасидан тўланадиган ва МТСга нисбатан кам тушум тушиши назарда тутилган молиявий фаолиятга солиқни (МФС) жорий этишни фаол ёқлаб чиққан. Шунингдек, Швецияда 1984 йилда жорий қилинган 1 фоизли акцияларга солиқ бўйича 1986 йилда солиқ ставкасини 2 фоизгача кўтарилиши акциялар баҳоси ва айланмасини (сотиш ҳажми 30 фоизга пасайиб, солиқдан қочиш мақсадида 11 турдаги тез сотиладиган акцияларни 60 фоизни Лондонга кўчирилган) қисқартирган [13]. МТСнинг қамраб олиш имконияти масаласидан ташқари, солиқни қўлланиши доирасига нисбатан яшаш жойи принципи ёки эмиссия принципи устун бўлиши керакми деган масала турибди. Яшаш жойи принципага мувофиқ, МТС ҳудудида жойлашган молия муассасалари томонидан амалга оширилган транзакцияларга нисбатан мазкур солиқ қўлланилади. Агарда, ушбу объектлар МТС доирасида бўлмаса ҳам, эмиссия принципа Буюк британиядаги герб йиғими ёки Франция ва Италиядаги

¹[11] асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

МТС ларга каби, МТС ҳудудидаги молиявий муассасалар томонидан чиқарилган активлар билан операцияларга қўлланилади.

Шу билан бирга, бир қатор иқтисодчи олимларнинг фикрича, МТС молия бозорида кенг қўлланиши банклараро молиялаштириш ва марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун фойдаланадиган репо бозорига зарар келтириши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган ушбу молиявий операцияларга солиқ солинмаслиги лозим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридаги таҳлилларда асосан МТСнинг ижобий ва салбий жиҳатлари боғлиқ асосий аргументлар ва мазкур солиқни жорий этишдаги айрим муҳим амалий масалалар кўриб чиқилган. Мазкур солиқ спекулятив савдолар ва тебранувчаликни камайтириши юзасидан нисбатан кам далиллар мавжуд бўлиб, бир қатор тадқиқотларнинг натижасида МТС бозор ҳажмини камайтириши, тебранувчанлик ва спредларни ошириши хусусидаги хулосалар шакллантирилган. МТС молия бозорида кенг қўлланиши банклараро молиялаштириш ва марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш учун фойдаланадиган репо бозорига зарар келтириши мумкин.

Бундан ташқари, МТСнинг ишлаб чиқиш ва самарадорлиги боғлиқ муаммолар кутилаётган солиқ тушумларининг чеклаши мумкин. Шу сабабдан, МТСнинг қайсидир шаклини жорий этиш имкониятларини кўриб чиқишда, аввало уларнинг салбий оқибатлари ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олиш лозим.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Chaudhry S. M., Mullineux A., Agarwal N., 2015. Balancing the regulation and taxation of banking. *International Review of Financial Analysis* 42 (2015) 38–52.
2. FSB (2011). Measures to address systemically important financial institutions. Technical report. Basel: Financial Stability Board.
3. Mullineux, A. W. (2014). Banking for the public good. *International Review of Financial Analysis*, 36, 87–94.
4. Matheson T. Taxing Financial Transactions: Issues and Evidence. 2011. IMF Working Paper.
5. Keynes J.M. (1936). *The General Theory of Employment, Interest Rates and Money*. Harcourt Brace & World, New York.
6. Stiglitz J. E. (1989). Using Tax Policy to Curb Speculative Short-Term Trading. *Journal of Financial Services Research*, Vol. 3, nr 2/3.
7. Davila, Eduardo, 2014. «Optimal Financial Transaction Taxes.» Paper No. 114. Society for Economic Dynamics Meeting Papers, Stonybrook University, Stonybrook, NY.
8. Meyer S., Wagener M. and Weinhardt Ch. 2015. Politically Motivated Taxes in Financial Markets: The Case of the French Financial Transaction Tax, *Journal of Financial Services Research*, 47(2), 177-202.
9. Colliard, J.E., Hoffmann, P. 2017. Financial transaction taxes, market composition, and liquidity. *Journal of Finance*, 72(6), 2685-2716.
10. Directive (2004/39/EC) establishes clear definitions of regulatory market and multilateral trading system.
11. EC (2015). Financial Transaction Taxes in the European Union. WORKING PAPER N. 62 – 2015.
12. Антюшина, В. (2013) Налог Тобина: за и против. ПРЯМЫЕ ИНВЕСТИЦИИ / № 6 (134) 2013.
13. Umlauf S. R. (1993). Transaction taxes and the behavior of the Swedish Stock Market. *Journal of Financial Economics*, 33(2), 227–240.

